*Insonga naf keltirish — oliy baxt*

# Ishonch

Тил бамисоли чолғу асбоби, эҳтимол ғижжакдан ҳам нозик ва мураккабдир. Яна шуни айтиш лозимки, тил ҳам ғижжак ҳам юзаки билишга тоқат қилмайди.
**Ойбек**

2008-yil
21-oktabr, seshanba
№129-30 (2543)

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

# Модернизациялаш одимлари

*Янги Ангрен Иссиқлик электр станцияси ОАЖда жами 1814 нафар ишчи меҳнат қилади. Шундан 632 нафари ёшлар. Шу боисдан, «Ёшлар йили» давлат дастури ижросини таъминлашга корхонада алоҳида эътибор қаратилган. Ёшларнинг билим савиясини ошириш, маънавий оламини бойитиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жисмонан соғлом бўлишига катта эътибор қаратилмоқда.*

*Ҳар бир цехда касб маҳорати бўйича кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинади. Мустақилликнинг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Истеъдод-2008» кўрик-танлови шартларида корхонани модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилди.*










*Изланиш, янгилик яратиш давр талаби. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, тармоқни кенгайтириш иқтисодий юксалишга олиб келади. Каттақўрғонлик ўрмончилар ана шу йўлдан боришаётир.*

## Хизмат такомиллашди

*Яшиллик посбонлари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда муайян тажриба тўплашган. Амалдаги йилда аҳил жамоа 500 куб метр ёғочбоп, 200 метр куб қурилишбоп, 200 куб метр мебелбоп материаллар тайёрлашга эришдилар.*

*Хўжаликда касаначилик меҳнатининг ташкил этилгани янги иш ўринлари яратиш имконини бермоқда. Ўрмончилар бу усул афзалликларидан фойдаланишаётир.*

*Қурилиш ашёларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Айниқса, томёпгич - шиферга эҳтиёж катта. Тадбиркор аёл - Холисхон Бобоева ана шуларни эътиборга олиб, «Жиззах-Кўҳи-Нур» хусусий фирмасида шифер ишлаб чиқаришга киришди. 60 киши доимий иш ўрни билан таъминланди.*

## Харидоргир шиферлар

Бугунги кунда «Жиззахда ишлаб чиқарилган» тамғаси босилган маҳсулотни Андижон, Самарқанд, қорақалпоғистонлик қурувчилар ҳам бажонидил харид қилишяпти.

Вилоят ҳокимлиги қошидаги ягона буюртмачи «Инжененринг» компанияси қурувчилари бунёд этаётган ижтимоий иншоотлар учун 250 минг дона шиферга буюртма беришди.

**Ўз мухбирларимиз**

## Кўрик-танлов якунланди

Маълумки, меҳнат муҳофазаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим омил ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касаллиги ходимлар ва ташкилотлар, шунингдек, умуман мамлакат учун ўрнини тўлдириш қийин бўлган моддий ва маънавий йўқотишларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам меҳнат шароитлари, муҳофазаси ва хавфсизлиги, ишлаб чиқаришда жабрланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш ҳақи ва бандлик масалалари билан баб-баравар равишда ҳар доим касаба уюшмаларининг диққат марказида бўлган ва шундай бўлиб келмоқда.

Бундан бир ярим йил муқаддам Тошкентда Халқаро Меҳнат ташкилоти мутахассислари, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари касаба уюшмалари етакчилари иштирокида «Хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг ижтимоий шерикчилик роли» мавзуидаги илмий-амалий конференцияда қайд этилган даъваткор сўзларнинг исботи ўлароқ ўтган фурсат ичида кўпдан-кўп ибрат олгулик ишлар амалга оширилди. Қандайдир вақт оралиғида бироз унутилгандек туюлган муҳим масала — меҳнат муҳофазаси яна актуаллик касб этиб, нафақат марказда, шу билан бирга вилоят ва туманларда ҳам акс-садо бера бошлади.

# Меҳнат муҳофазаси

## касаба уюшмалари назоратида

Яқинда «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш» юзасидан республика кўрик-танловининг 2006—2007 йиллар якуни натижалари эълон қилинди.

— Мазкур кўрик-танлов тўғрисидаги эски Низом бундан 12 йил олдин, яъни 1996 йил 23 сентябрда тасдиқланган бўлиб, ҳозирги кунда касаба уюшмалари олдига қўйилаётган талабларга мос келмай қолган эди, — дейди ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Йўлдош Ёдгоров. — Айнан шунинг учун ҳам бу галги кўрик-танлов ғолибларини аниқлашда шу йилнинг 26 августида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг 9—17 сонли қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Низомда кўрсатилган қоидалар ҳам инобатга олинди.

Боз устига кўрик-танлов якуни атиги олти кишидан иборат комиссия томонидан кўриб чиқилар ва бу ўз навбатида кўрик-танловга тақдим этилган ҳужжатларни етарли даражада ва ҳар томонлама таҳлил этиш имконини бермасди. Шу сабабга кўра, Марказий кенгашлар ҳамда ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари вакиллари ҳисобига республика кўрик-танлови якунларини умумлаштириш комиссияси аъзолари сони 14 тага етказилди.

Ҳаётда ҳеч бир нарса беиз кетмайди. Республика кўрик-танловини ўтказиш давомида жамоат назорати бўйича олиб борилаётган ишлар анча жонланди, ишлаб чиқаришда юз бераётган бахтсиз ҳодисалар сони айрим вилоятлар ва тармоқларда сезиларли даражада камайди. Бошланғич касаба уюшмалари фаоллари томонидан меҳнат жамоаларида ходимларга қулай иш шароитлари, шунингдек, санитария-гигиена талабларига мос маиший шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш сабабларини бартараф этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилаётганлигини ва бу ҳол янада кенг тус олаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловини ўтказиш бўйича Соғлиқни сақлаш, Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари, Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари томонидан олиб борилаётган ишлар, айниқса, эътиборга лойиқдир.

Республика кўрик-танлови якуни юзасидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, комиссия қуйидагиларни ғолиб деб топишга қарор қилди:

а) «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши касаба уюшма қўмитаси» унвони учун:

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туман марказий шифохонасининг касаба уюшма қўмитаси — I ўрин;

Фарғона вилояти «Кварц» акциядорлик жамиятининг касаба уюшма қўмитаси — II ўрин;

Андижон вилояти Хўжаобод тумани 9-умумий ўрта таълим мактабининг касаба уюшма қўмитаси — III ўрин.

б) «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши комиссияси» унвони учун:

Самарқанд шаҳар 2522-автожамланмасининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси — I ўрин;

Тошкент шаҳар «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси — II ўрин;

Чирчиқ шаҳар «Максам—Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятининг меҳнат муҳофазаси бўйича комиссияси — III ўрин.

в) «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакили» унвони учун:

Андижон вилояти «GM-O'ZBEKISTON» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили — пресслаш цехи BLANK LINE участкаси ишчиси Акрамжон Кимсанов — I ўрин;

Бухоро шаҳар телекоммуникация боғламасининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили — етакчи мутахассис Миржон Ҳаитов — II ўрин;

Жиззах вилояти «SANGZOR-LADA» масъулияти чекланган жамиятининг меҳнат муҳофазаси бўйича вакили — созловчи уста Камол Азимов — III ўрин.

**Зайниддин РИХСИЕВ**

**PS:**

**Иккинчи саҳифада ушбу кўрик-танловда ғолиб бўлган меҳнат жамоаларининг айрим вакиллари ҳақида ҳикоя қиламиз.**

# Севаздан чиққан ишбилармон

Ҳисор тизма тоғлари этагида Севаз деган қишлоқ бор. Қир-адирлар бағридан жой олган бу маскан нафақат ўзининг сўлим табиати, қалбида тоғликларга хос шижоат жўш урган очиққўнгил, ғайратли кишилари билан ҳам машҳур.

Буюк истиқлолнинг 17 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига асосан «Шуҳрат» медали билан тақдирланган «Севаз-Андроникс» масъулияти чекланган жамияти директори Алишер Бойқораев ана шу гўшада вояга етиб, камол топди. Тадбиркорликка қўл уриб, эл-юрт назарига тушди. Бутун умрини фарзанд тарбиясига бағишлаган, мустақиллик шарофати билан муқаддас ҳаж сафарини ўтаган онаизори Зулфия аянинг ишончини оқлади... Жорий йилнинг ёзида Қашқадарёга Юртбошимиз ташриф буюрдилар. Мулоқотда китоблик навқирон йигит ҳам сўзга чиқиб, амалга ошираётган ишлари ҳақида тўлқинланиб сўзлади. Давлатимиз раҳбари замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш бўйича қимматли фикрларни билдирдилар. Мамлакатимиз Президентининг қўллаб-қувватлаши унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

— Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти беқиёс, — дейди иқтидорли мутахассис. — Ҳар бир ишбилармон тадбиркорлик фаолиятида хорижий шериклар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаши, иложи борича уларни жаҳон бозорига олиб чиқишни ўйлаши керак.

Алишер бу борада ҳамюртларига ўрнак бўлаяпти. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли оддий, аммо мазмунли. Ўрта мактабни битириб Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг иқтисод факультетида таҳсил олди. Сўнг «Қаршиёғ» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонасида уста, цех бошлиғи бўлиб ишлади.

Киндик қони томган она заминга қайтиб, «Тевобоши» савдо ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Тадбиркорликка қўл уриб, музқаймоқ ишлаб чиқариш билан шуғулланди.

Меҳнат инсонни тоблайди, камолотга етаклайди. Бундан уч йил муқаддам унинг учун ҳақиқий синов дамлари бошланди. 2005 йилда ташкил этилган «Севаз-Андроникс» масъулияти чекланган жамияти ёш мутахассис раҳбарлигида йирик ишлаб чиқариш мажмуига айланди.

— Боғдорчилик ота касбимиз, — дейди Алишер фахрланиб. — Тасарруфимизда 260 гектар еримиз бор. Бу жойларда мевазор боғлар гуркираб турибди. 51 гектарини олмазорлар, қолганини узумзорлар ташкил этади.

Туманнинг мўътадил об-ҳавоси экологик жиҳатдан тоза, мазали мева-чева, узум етиштириш учун қулай. Фермер хўжаликларининг асосий қисми боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам Алишер бўш ётган бинони сотиб олиб, «Узмарказимпекс» компаниясининг молиявий кўмаги билан олма, нок каби уруғли меваларни қайта ишлайдиган замонавий технологияларни ўрнатди.

Барча цехларда Австриянинг «Бухер фудтах» компанияси ускуналари бўлиб, шарбатни фильтрлаш ва қуйиш механизмлари Германия ва Италиядан келтирилган. Харид қилинган хорижий ускуналарнинг умумий қиймати 194 минг еврога тенг.

— Иш бошлаган давримизда 700 тонна мевани қабул қилиб, қайта ишлаган эдик, — дейди ёш раҳбар биз билан суҳбатда. — Ҳозир бу миқдор икки-уч баробарга ортди. Айни пайтда уч ва бир литрли идишларда мева шарбати ишлаб чиқарилаяпти.

Корхонада 600 дан ортиқ киши иш билан таъминланган. Улардан 50 нафари қайта ишлаш саноати соҳасида меҳнат қилаяпти. Қишлоқдаги касб-ҳунар коллежини битирган йигит-қизлар хорижий технологияларни пухта эгаллаб олишган. Келгусида шарбатни замонавий талабларга жавоб берадиган «Пюр-пак» ва «Тетра-рекс» идишларида тайёрлаш йўлга қўйилади.

Қашқадарёда нима кўп, мева-чева, узум кўп. Бошқа тадбиркорлар ҳам Алишер Бойқораевдан ўрнак олиб, бундай махсулотларни қайта ишлашни ташкил этсалар, ҳам истеъмолчилар, ҳам ўзлари фойда кўрган бўлар эдилар.

**П.НИШОНОВ**

## «ISHONCH» — сизнинг дўстингиз

*Агар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги долзарб мақолалар, машҳурлар ва эл назаридаги юртдошларимиздан эксклюзив интервюлар, инсон руҳияти инъикоси бўлган асарлар ва бугуннинг нафаси уфуриб турган янгиликлардан энг биринчи бохабар бўлай десангиз...*

***...«ISHONCH» билан дўстлашинг!***

**Мабодо уни газета пештахталаридан топа олмасангиз...**

***...«ISHONCH»га ОБУНА бўлинг!***

**Шунда у кунора эшигингизни ўзи тақиллатиб боради.**




**«Ishonch» йил давомида сизнинг энг яқин ҳамкорингиз ва маслаҳатчингиз бўлиб қолади!**

# Меҳнат муҳофазаси

## касаба уюшмалари назоратида

***«GM-O'zbekiston» ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятининг пресслаш цехи BLANK LINE участкаси ишчиси Акрамжон Кимсанов 2006-2007 йиллардаги фаолияти учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакили деб эътироф этилди. Биз корхонада бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдик.***

## Энг фаол жамоатчи вакил

— Меҳнат муҳофазаси бўйича корхонамиз вакили А.Кимсановнинг ғолиб чиқиши қувонарли, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси бош ҳисобчиси Абдупатто Юсупов. — Бунинг замирида корхонамизда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича катта тадбирлар ишлаб чиқилгани ётибди. Ҳар йили турли кўрик-танловлар ўтказилиши цехлараро рақобатни кучайтириб, янги рационализаторлик таклифларини юзага чиқармоқда.

Бугун автомобилсозлар корхонасида 5600 нафар ишчи-ходим меҳнат қилиб, улардан 200 нафари хотин-қизларни ташкил этади. Корхонада меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича намунали ишлар олиб борилмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган 9 ойида меҳнат муҳофазаси учун 291 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шундан 265 миллион сўмга шахсий ҳимоя воситалари сотиб олиниб яна 5 миллион сўмга бахтсиз ҳодисалар суғурта қилинди. Янги ташкил этилган 30 дан ортиқ иш жойлари аттестациядан ўтказилди. Корхона ишчи-ходимлари ҳар йили даврий тиббий кўрикдан ўтказилиши эса одат тусига кирган.

— Пресслаш цехимизда 8 нафар меҳнат муҳофазаси вакили бўлиб, бизда меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари биринчи ўринга қўйилган, — дейди цех касаба уюшма қўмитаси раиси М.Самсаков. — Шу боис 2008 йилнинг шу кунига қадар ҳеч қандай бахтсиз ҳодиса содир бўлмади.

Кимсанов фаолиятига келсак, у ҳақиқатан ҳам меҳнаткаш ва тиришқоқ йигит. Унинг йўриқномалар ва рационализаторлик юзасидан таклифлари ўзининг асосланганлиги билан ажралиб туради.

Акрамжон Кимсанов 1995 йилда корхона қурилиши бошланганидан бери шу ерда меҳнат қилади. Ўзига бириктирилган ишни сифатли ва тез бажариш унинг учун қонунга айланган. У техника хавфсизлиги қоидалари тушунарли бўлиши учун йўриқномаларни ўзбек тилига ўгиришга ҳам улгурган.

— Камтарин меҳнатларим юқори баҳо олганидан мамнунман. Бу ютуқ бундан буён ҳам астойдил ишлашга ундайди, — дея гапни мухтасар қилади А.Кимсанов.

**А.ЮНУСОВ**



## Юксак масъулият — муваффақият гарови

**дейди Элликқалъа туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Худойберган КАРИМБЕРДИЕВ**

Элликқалъа туманида ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Турмуш ҳам шунга яраша. Ушбу фаровонликни таъминлашда, шубҳасиз, соғлиқни сақлаш ходимларининг муносиб улуши бор. Соғлигидан шикояти йўқ инсонларгина муваффақиятли қадам ташлайдилар.

Соғлиқни сақлаш ходимлари билан суҳбатлашсангиз, меҳнатлари муҳофаза қилинганлиги, хизматлари муносиб рағбатлантирилаётганлигини сабаб қилиб кўрсатадилар. Шу билан бирга, ушбу шароитлар касаба уюшмаси шарофатидан эканлигини эътироф этадилар.

Туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитасига мана тўққиз йилдирки, Худойберган Каримбердиев раислик қилади. У умрининг 44 йилини соғлиқни сақлаш тизимига бағишлаган. Кўп йиллар санитария-эпидемиология хизмати соҳасида шифокор эпидемиолог, бош шифокор лавозимида сидқидилдан меҳнат қилган. Туман марказий шифохонаси ташкилий услубий бўлим мудири сифатида аҳоли ўртасида касалликларни таҳлил қилиб, уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни қайси йўналишда кучайтириш зарурлигини тавсия қилиб, статистик ҳисоботлар самарадорлигини оширишга улуш қўшган. У кишидаги ишга муносабат, инсонпарварлик хислатлари жамоа ўртасида кенг обрў қозонишига сабаб бўлди. Шу боис Х.Каримбердиев 1999 йил июл ойида марказий касалхона касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимига сайланди.

Мазкур жамоа аъзолари сони бир ярим мингдан ортиқ. Уларнинг бир минг икки юздан зиёди аёллар. Уюшма туман соғлиқни сақлаш бирлашмаси билан ҳамкорликда ишчи-ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, уларга меҳнат шароитларини яратиш ва иш ўринларида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида ҳар йили меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битим ишлаб чиқилиб, жамоа ўртасида қабул қилинади. Битим ижросига қатъий амал қилинади. Дейлик, 2006-2007 йиллар давомида меҳнатни муҳофаза қилиш бандида кўрсатилган 20 га яқин чора-тадбирларнинг бажарилишига эришилди. Ушбу давр мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун жами 4131,1 минг сўм, жумладан, меҳнатни муҳофаза қилиш келишувида қабул қилинган тадбирларни бажариш учун 2152,6 минг сўм, зарарли иш жойларида ишловчи ходимларни бепул сут маҳсулотлари билан таъминлаш учун 1058,6 минг сўм ва шахсий ҳимоя воситалари ҳамда кийим-кечаклар билан таъминлаш учун 919,9 минг сўм маблағ ажратилди.

Барча бўлимларда меҳнатни муҳофаза қилиш бурчаклари ташкил қилиниб, услубий қўлланмалар билан таъминланди.

Ишчи-ходимларни меҳнатни хавф-хатарсиз олиб бориш бўйича ўқитишга ҳам эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ҳар бир иш тури бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномалари ишлаб чиқилган. Автоклавларни ва бошқа тиббиёт анжомларини ўз вақтида техник жиҳатдан текшириб туриш ва синовдан ўтказишга эътибор алоҳида.

2006-2007 йиллар давомида марказий шифохона ва ҚВПларда 15 та дам олиш, 4 та ювиниш, 1 та хотин-қизлар гигиенаси хонаси ташкил этилди.



— Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссияси билан мустаҳкам алоқадамиз. Улар билан бирга жойларда бўлиб, бу борада қилинаётган ишларни назорат қиламиз, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси. — 2006-2007 йиллар давомида аниқланган 150 дан зиёд камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинишига эришилди. Ходимларни махсус кийим-бош, бепул сут маҳсулотлари билан таъминлади. Ўтказилган тадбир натижасида сўнгги йилларда бахтсиз ҳодиса рўй бермади. Олиб борилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланиб, шифохона ички инфекцияси камайди.

— Кейинги йилларда туманимизда тиббиёт соҳаси кескин юксалди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, Ибн Сино ҚВП мудираси, касаба уюшма фаоли Дилором Айитбоева. — Бунда шубҳасиз касаба уюшмасининг, хусусан, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ўрни салмоқли. ҚВПмиз 2006 йили капитал реконструкция қилинган бинода ташкил этилди. Иш шароитларимиз икки йил аввалгига қараганда бутунлай яхшиланди.

Клиник биохимия лабораторияси мудираси Насиба Қурбонова, рентгенология бўлими бошлиғи Илҳом Қурбонов, кўп тармоқли поликлиника мудири Сапарбой Аннаевлар ҳам кейинги йилларда меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар анчайин самарали бўлганлигини, хусусан, улар хизмат қилаётган иморатлар капитал реконструкция қилиниб, янги тиббий анжомлар билан таъминланганлиги иш сифатига ижобий таъсир кўрсатилганлигини эътироф этишди.

15 минг аҳолига хизмат кўрсатувчи Сарибий ҚВП бу йил капитал реконструкция қилинган бинода иш бошлади. Яқин орада ушбу ҚВПга 25 миллион сўмликка яқин тиббий анжомлар берилади. Бу эса, шубҳасиз, меҳнат муҳофазасида муҳим кўрсаткич бўлиб, иш сифатига ҳам самарали таъсир кўрсатади.

— Яратилаётган шароитлар туфайли аҳоли саломатлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда, — дейди Худойберган Каримбердиев. — Сўнгги уч йил мобайнида оналар ўлими юз бермади. Болалар ўлими ҳамда юқумли касалликлар кескин камайди.

Касаба уюшмаси Ёшлар йилида аъзоларга эътиборни янада оширган. Туман даволаш профилактик муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёш оилалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, тиббий ёрдамга муҳтожларни бепул даволаш чоралари кўрилаётганлиги барчани хушнуд қилмоқда.

— Ҳали қилишимиз керак бўлган ишлар кўп, — дейди Худойберган Каримбердиев. — Меҳнат муҳофазасини янада кучайтириш, иш шароитларини янада яхшилаш юзасидан тадбирларимиз кўп. Уларни амалга ошириш зиммамизга улкан масъулият юклайди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

## Ўзимизда ишлаб чиқарилган



***Кувасойдаги «Кварц» акционерлик жамиятининг улкан ҳудуди бўйлаб Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «Исузу» автобусида сайр қилар эканмиз, ҳамроҳимиз — жамият бош муҳандиси Зокиржон Раҳматуллаев автобус ойнасининг бурчагидаги «Кварц» тамғасига эътиборимизни қаратди.***

— Бу ойна ҳам бизнинг корхонамизда ишлаб чиқарилади, — деди у ич-ичидан фахрланиб. — Янги ўрнатилган линияларимиз ёрдамида ҳар қандай шакл ва ҳажмдаги шиша маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлганмиз. Буюртмага кўра 2-10 миллиметрли ойналар, саноатнинг турли соҳаларида зарур бўладиган 250 грамм сиғимдан 3 литр сиғимгача 120 турдаги шиша идишлар ишлаб чиқаряпмиз. Асосий харидорларимиз Тошкент трактор заводи, «GM-O'ZBEKISTON» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти, ЎзАвтоОйна корхоналари саналишса, аҳоли эҳтиёжлари учун қурилишда ишлатиладиган рангли пардозлаш ойналаримиз, дори-дармон, турли ичимликлар учун шишалар мамлакатимиз ҳамда чет эллардаги корхоналар учун жуда зарур саналади. Шунинг учун корхонамиз кундан-кун ривож топиб, янги-янги технологияларни жалб қилиш, меҳнаткашлар манфаатдорлигини ошириб боришда республикамизда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам акционерлик жамияти мустақиллик йилларида кўплаб ютуқларга эришди. Германиянинг МХРГ Глас фирмасининг иккита технологик линияси ўрнатилиб, ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот сифати бир неча баробарга оширилди. Италиянинг ТЕКИНТ фирмаси билан ҳамкорликда силлиқланган ойна ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, янги иш ўринлари яратиш, янги буюртмачилар эҳтиёжларини қондириш имконияти пайдо бўлди. Корхона мамлакатимиз ва чет элларда ўтказиладиган кўплаб кўргазмаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Чет тиллари, компютер технологияларидан яхши хабардор ёш ходимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли корхона маҳсулотлари довруғи Европа мамлакатларигача етиб борган.

— Замон билан ҳамнафас фаолият кўрсатиш, техника-технологиянинг энг илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш корхонамиз раҳбарияти ҳамда касаба уюшма ташкилотининг асосий мақсадларидан биридир, — дейди акционерлик жамиятида 30 йилдан ортиқ вақт меҳнат қилган «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени совриндори, хом ашё тайёрлаш цехи бошлиғи Азимжон Турғунов. — Олинадиган даромад меҳнаткашларга қулай иш шароитлари яратиш, манфаатдорликни ошириш, янги иши ўринларини яратиш мақсадларига сарфланмоқда.

Акционерлик жамиятида 3000 нафардан кўпроқ ишчи-ходимлар меҳнат қилишади. Шундан 1100 нафари аёллар, 200 нафардан ортиғи касаначилардан иборат. Ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида яхшигина натижаларга эришилмоқда. Бу борада корхона касаба уюшма қўмитаси эришаётган ютуқлар таҳсинга сазовор. Республика касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган кўрик-танловнинг «меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши касаба уюшма қўмитаси» номинациясида иккинчи ўринни қўлга киритгани ҳам бежиз эмас, албатта.

— Меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган ишчи-ходимлар маъмурият ва касаба уюшмалари томонидан доимо муносиб тақдирланиб келинмоқда, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Абдусамад Назриддинов. — Кам таъминланган, кўп болали оилалар, корхона нафақахўрлари, байналмилалчи жангчилар, Чернобил АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашганлар, ногиронлар ҳар бир байрамда хабар олиниб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Бу йил мустақиллик байрамида 200 та гилам ва 150 та телевизор совға сифатида тарқатилди.

Корхонада замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 50 ўринли даволаш-соғломлаштириш марказининг фаолияти ҳам диққатга сазовор. Ўтган йили марказда 635 нафар ишчи-ходим, 78 нафар нафақахўр ва 14 нафар ногирон ўз саломатликларини тиклаб қайтишган эди. Бу йил ҳам ушбу хайрли иш давом эттирилмоқда. Сиҳатгоҳларда дам олишни истаган ходимлар учун йўлланма баҳосининг 50 фоизи корхона томонидан қопланмоқда.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Фидойилик ортидаги обрў

Орамиздаги одамлар



Миржон Ҳайитов машғулот пайтида.

***Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламасида ўз касбининг фидойилари, ҳалол ва самарали меҳнати билан эл назарига тушган ишчи-мутахссислар кўпчиликни ташкил этади. Хавфсизлик техникаси бўйича етакчи муҳандис Миржон Ҳайитов шулардан бири. Унинг Тошкент политехникумини битириб, мазкур жамоага ишга келганига чорак аср бўлди. Бу фурсат ичида алоқачилар фаолиятида туб ўзгаришлар рўй бериб, муваффақиятлар кўпайди. Аҳолига намунали хизмати кўрсатиш, корхонани модернизациялаш, ишчи-мутахассисларга қулай меҳнат шароитлари яратиш, тараққиёт сари дадил қадам ташланишида Миржон Ҳайитовнинг ҳам муносиб улуши бор.***

Бундан 15-20 йил илгари аҳолига алоқа химати кўрсатиш билан бугунги жараённи тенглаштириб бўлмайди. Ишлаб чиқариш ускуналарининг янгиланиши, кадрлар савиясининг юқорилиги, жамоада қулай меҳнат шароитлари яратилганини айтмайсизми!

— Жамоада 21 йилдан бери ишлаб келяпман, — дейди оператор Татьяна Сирцева. — Аввалги оғир меҳнат, қийин шароит ортда қолди. Ҳозир биз ишлаётган «ATS-3100» русумли рақамли аппарат ўрнида бундан 20 марта катта жойни эгаллаган ускуналар мавжуд эди. Бугун техник алоқани юқори тезликда компютерлар орқали бошқарамиз. Хоналаримиз кенг, ёруғ, тоза, озода. Барча участкаларда ёзда салқин, қишда иссиқликни таъминловчи кондиционерлар ўрнатилган. Айтишим керакки, замонавий алоқа техникаларини ишлатишда хавфсизликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада муҳандисимиз Миржон аканинг хизматлари катта.

Ҳа, боғламада меҳнат қилаётган 320 нафардан ортиқ ишчи-мутахассиснинг қай бири билан суҳбатлашманг, уларнинг барчаси Миржон Ҳайитов ҳақида фақат илиқ фикр билдиради. Ёшлар унинг изидан боришга интилади, Миржон Ҳайитов эса бундай ҳурмат-эътиборга, осонликча эришгани йўқ. У ҳамиша изланишда, ҳаракатда. Жамоамга, халқимга кўпроқ нафим тегсин деб елиб-югуради.

М. Ҳайитов ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент электротехника ва алоқа институти (Ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университети)ни битириб, автоматик электр алоқа муҳандиси мутахассислигини эгаллагани, оддий электромеханикликдан катта электромеханик, етакчи муҳандис даражасига етгани касбига садоқати исботидир. Қолаверса, шу соҳада 30 йилдан ортиқ меҳнат қилган отаси Нор аканинг панд-насиҳатлари, Бухоротелеком филиалида етакчи муҳандис вазифасида ишлаётган турмуш ўртоғининг маслакдошлиги бугун унга жуда қўл келаяпти.

— Асосий вазифам — 50 мингдан ортиқ мижозга намунали алоқа хизмати кўрсатаётган ходимларимиз ўртасида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, уларнинг хавфсизлик техникаси борасидаги малакасини ошириш, бахтсиз ҳодисалар олдини олишдан иборат, — дейди етакчи муҳандис. — Бу борада кенг кўламли ишларни ташкил этаётганим юқори самара бераяпти. Амалдаги тадбирларнинг ижросини таъминлашда корхона раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаётганимиз жамоани ҳам, мижозларни ҳам мамнун этмоқда.

Тилга олинган тадбирларнинг муҳим жиҳатлари — корхона ўқув хоналари ташкил этилиб, уларда монтёрлар, кабелчилар, операторлар ва бошқа муҳим участка ходимлари билан хавфсизликни таъминлаш ва мижозларга юқори сифатли алоқа хизмати кўрсатиш борасида доимий машғулотлар олиб борилаяпти. Фан ва техника янгиликларини амалда қўллашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ходимларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, махсус кийим-бош, зарарли иш шароитидаги алоқачиларга бепул сут маҳсулотлари, кир ювиш воситалари берилмоқда. Албатта, меҳнатда юқори натижаларга эришганлар алоҳида моддий рағбатга муносиб кўрилаяпти. Шу мақсадлар йўлида ҳар йили 20 миллион сўмга яқин маблағ корхона фойдаси ҳисобидан ажратилмоқда.

Жамоаси муваффақиятидан фахрланган тинчиб-тинчимас Миржон Ҳайитов изланишларини давом эттириб, 2004 йилда «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг хавфсизлик техникаси бўйича республика кўрик-танловида ғолиб бўлган эди. Жорий йилда у вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ташкил этган «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» танловида ҳам биринчи бўлди. Куни кеча унинг хонадонига яна бир қувончли хабар келди. Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакили номинациясида Миржон Ҳайитов иккинчи ўринга лойиқ топилди ва пул мукофоти ҳамда Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Галдаги эътироф фидойи алоқачини янги меҳнат зафарларига ундамоқда.

**Иззатилла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Шароитга яраша самара

***Хавфсиз иш шароити — нафақат ходим, балки меҳнат жамоаси фойдасига хизмат қилади. Самарқанд шаҳридаги 2522-давлат унитар автокарвонсаройида буни яхши билишади. Мана етти йилдирки кўнгилхираликлар мазкур жамоани четлаб ўтмоқда.***

Меҳнат қадр, муносиб баҳосини топганда ютуқлар соядек эргашаверади. Турдош корхоналарнинг аксарияти рақобат майдонида букилиб, синиб кетди. Аммо 2522-автокарвон ҳамон манзил сари дадил илгарилаяпти.

— Бизда ҳар бир уловнинг ўз эгаси бор, — дейди автокарвон бошлиғи Алишер Ҳасанов. — Техника қаровига соҳиби, ҳайдовчининг меҳнат муҳофазасига биз масъулмиз. Маъмурият ва касаба уюшма ташкилотининг асосий вазифаси иш шароити яратишга қаратилган. Бу борада сира маблағни аямаймиз.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти етакчиси Ботир ака Валиев ходимларга яратилган шарт-шароит билан яқиндан таништирди. Автокарвонда иш аввало ходимлар саломатлиги кўригидан бошланаркан. Корхона тасарруфидаги тиббий соғломлаштириш маркази замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда 7 нафар шифокор, 3 нафар ҳамшира ҳайдовчилар соғлиги устидан кузатиш олиб боришади. Тиббий муолажалар хонасини кўздан кечирдик. Ҳатто тиш даволаш ҳам йўлга қўйилганлигига ўзимиз гувоҳ бўлдик.

— Мунтасил тарзда йўлда юриш ҳар қандай кишини тўкиб ташлайди, — дейди шифокор Татьяна Кузнецова. — Шу боис уларни нафақат дори-дармон, балки, табиий ўт-ўланлар билан даволашни йўлга қўйганмиз. Фитобаримиз улар хизматида. Физотерапия усулларидан кенг фойдаланамиз. Муттасил ўриндиқда ўтириш чарчоқ, толиқишга олиб келади. Бундай ҳолда массаж, турли услубдаги уқалашлар қўл келади.

Қаҳрамон Азизов шу корхонада узоқ йилдан буён ҳайдовчилик қилиб келади. Бел, елка кураклари оғриқ сезадиган бўлиб қолди. Нима қилиш керак? Касби билан хайрлашсинми? Жонига тиббий марказ шифокорлари оро киришди. Бу ерда у табиий гиёҳлар дамламаси, фойдали массажлар олиб саломатлигини бутқул тиклаб олди. Халқ хўжалиги юкларини ташишга мўлжалланган пўлат отлар суворийларининг ҳар бири ана шундай ғамхўрликка олинган.

Автокарвонда 8 та цех мавжуд. Ҳар бир цехда ювиниш, дам олиш, ечиниш хоналари барпо этилган. Ходимларнинг ҳеч бири махсус ўқув ва синовларсиз юмушларни бажаришга қўйилмайди. Бу ерда ишлаётган 26 нафар аёл оғир ва хавфли юмушларни бажаришга жалб этилмайди. Қатор йиллардирки, меҳнат муҳофазасининг жамоатчилик назорати ўз маҳсулини бериб келаяпти. Биргина ўтган йилда ана шу комиссия томонидан меҳнат муҳофазасига доир қонунларга риоя қилишнинг аҳволи 52 маротаба ўрганиб чиқилди. Бу борада йўл қўйилган камчиликлар аниқланиб, нуқсонлар жойида бартараф этилди. Йил давомида меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирлар учун 23 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

— Корхонамизда ҳар бир ходим учун иш шароити яратиб бериш бирламчи вазифа ҳисобланади, — дейди касабақўм раиси Ботир Валиев. — Фақат соғлом кишигина берилиб ишлайди. Бизда вазифага нохолис ёндошишга сира ўрин йўқ. Ойлик маош, моддий рағбатлантириш, кўмак ўз фурсатида амалга оширилади.

Ҳар бир ишчи ўрни назоратдан ўтказилгани, ходимларнинг бу борадаги билимлари муттасил ошириб борилгани боис кўнгилсизликлар чекинаяпти. Бу эса корхонанинг иқтисодий юксалишига, ходимлар моддий фаровонлигига хизмат қилмоқда.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Она тили — руҳиятимиз кўзгуси

*21 октябр — «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун*

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда олимлар, ёзувчи ва шоирлар, ёш тадқиқотчилар ҳамда журналистлар иштирок этди.**

## «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти директори Т.Мирзаев, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, академик Ғ.Абдураҳмонов, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Э.Аъзам ва бошқалар халқимизнинг беқиёс бойлиги бўлган она тилимизни асраб-авайлаш ва унинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Зеро, тил миллатнинг ўзлигини намоён этувчи, маънавий қиёфасини белгиловчи, давлатнинг тарихи ва келгуси тараққиёт босқичларини ифодаловчи муҳим белгилардандир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида 1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилиниб, она тилимизга расман давлат тили мақоми берилди.

Ўтган йиллар мобайнида ота-боболаримизнинг бой тафаккури ва дунёқараши маҳсули бўлган, асрлар оша сайқалланиб келган ўзбек тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, беқиёс имкониятларини намойиш этиш, ёшларни миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўнлаб луғатлар ва бошқа қўлланмалар яратилди, мумтоз адабиётимиз намуналари, хусусан, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг йигирма жилдлик асарлар тўплами чоп этилди.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида беш жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» нашр этилиши бу борада амалга оширилаётган ишларнинг энг муҳим самараларидан бири бўлди.

Олимлар ва мутахассислар ҳамкорлигида яратилган ушбу луғат ўзбек адабий тилида кенг истеъмолда бўлган саксон мингдан зиёд сўз ва сўз бирикмасини, фан, техника, санъат, маданият ва бошқа соҳаларга оид атамаларни, шеваларда қўлланиладиган сўзларни, баъзи тарихий терминларни ўз ичига олган. Сўз ва сўз бирикмаларини изоҳлашда ўзбек адабиёти ва матбуотидан олинган далилларга таянилган.

Ушбу нашр мамлакатимизда маънавий-маърифий жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасидир.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**



*Она тилим, сен борсан, шаксиз,*
*Булбул куйин шеърга соламан,*
*Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,*
*Мен ҳам тўти бўлиб қоламан.*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## Луғат — сўз бойлигимиз инъикоси

### Эътироф

Ўзбек тили жаҳондаги энг бой тиллардан биридир. Айниқса, ўзбек тилининг сўз хазинаси ниҳоятда катта. Бу эса кўплаб тилшуносларни маҳлиё этади. Масалан, немис филологи Макс Мюллер сўз бойлигимиздан ҳайратга тушиб, унинг кенг имкониятларини тадқиқотларида алоҳида таъкидлаган. Шунингдек ўзбек тили ва унинг шевалари ҳақида венгриялик Эва Добос, англиялик Реми Дор, швециялик Г.Яринг, германиялик К.Менгес каби ўнлаб тилшунослар ҳам изланиш олиб борган.

Тилимизнинг сўз бойлиги луғатларда, хусусан, изоҳли луғатларда намоён бўлади. Шунинг учун изоҳли луғатлар тилнинг гўзаллигини, унинг хусусиятларини намойиш этадиган бетакрор кўзгудир. Ҳар бир сўз ўзига хос синоат, маънога эга. Унинг шундай қирралари борки, ҳар бири ўзгача маъно беради. Изоҳли луғатда эса сўзларнинг маъно-моҳияти алоҳида кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 сентябрдаги қарорида тилимиз нуфузини ошириш учун қилиниши зарур бўлган ишлар кўрсатиб ўтилган эди. ЎзФА тил ва адабиёт институти олимлари бу борада қатор тадқиқотларни олиб бордилар. Қарор доирасида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»нинг янги варианти яратилди. Тил байрамининг 19 йиллиги муносабати билан Беш жилдли мазкур луғат «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида чоп этиб бўлинди. У ўзбек тилшуносларининг машаққатли меҳнати маҳсули экани шубҳасиз.

Таъкидлаш керакки, сўнгги вақтларда тилимиз ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига оид тушунчаларни ифодалайдиган қатор ўзлаштирма ва янги сўзлар билан бойиди. Компютер, брокер, менежмент, менежер, мониторинг каби юзлаб сўзлар шулар жумласидандир. Уларнинг маъносини тушуниш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Изоҳли луғатда бу сўзларнинг маъноси кенг очиб берилган. Шунингдек, унда сўз маъноларида юз берган кенгайишлар ҳам ўз аксини топган.

Эътироф этиш керакки, янги луғат шубҳасиз миллий тилимиз тараққиётига хизмат қилади.

**Маҳбуба ҚОДИРОВА,**
**Низомий номидаги педагогика университетининг 4-босқич талабаси**

## Исмингизнинг маъноси...

Талабалигимизда бир курсдошимиз бўларди. Ҳар сафар фамилияси ўқилганида ўрнидан туриб: «Домла, Муҳаммедова деб ўқидингиз, Махамедоваман-ку», дея эътироз билдираверарди. Олти йил мобайнида фамилиясини «тўғрилаш»дан чарчамаган бу қизнинг ҳам асоси бор эди. Чунки унинг фуқаролик паспортида фамилияси шундай ёзилганди.

Бир қарашда арзимасдек кўринган бу муаммоли масала замири бундан қарийб бир аср олдинга: Туркистон генерал губернатори Ф.Кауфманнинг: «Тилидан жудо қилсанг бўлди...», деган сўзларига бориб тақалади. «Жонкуяр шоввоз»лар шу қадар «ташаббус» кўрсатишган эдики, ўзбек миллати юзлаб истеъдодли, миллатпарвар зиёлиларига қўшиб, соф тилининг марварид сўзларидан ҳам жудо бўла бошлаган эди. Шу билан бир қаторда маънавий жиҳатдан гўзал маъноларни акс эттирган исмлар оёқ ости қилинарди. Бунга Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» асарида ёзилган ит ишқибози Духовский ҳақидаги мисолни келтириш кифоя... Николай ёки Юрий дейишингиз билан рус миллатига мансуб киши кўз олдингизга келганидек, Абдураҳмон, Акбар, Содиқ ва шу каби исмлар тасаввурда асосан ўзбекларни жонлантиради. «Чиновник»ларнинг «алоҳида эътибор»и туфайли чалаярим битилиб, мазмунини бутунлай йўқотган минглаб исмлар бугун ҳам ишлатилмоқда. Ачинарлиси, ёшлар орасида ҳам шундай чала исм соҳиблари учрамоқда. Мисол учун Артиқбой (Ортиқбой), Айша (Ойша), Досбек (Дўстбек), Исак (Исҳоқ), Садик (Содиқ), «Фархат (Фарҳод), Мамат (Муҳаммад) кабиларни айтиш мумкин.

Истиқлолгача Ходжаева ёки Гайритдинов бўлиб келган исм, фамилиялар наҳотки энди Хўжаевага, Ғайратиддиновга ўзгармаса?! Мана шу масалага эътибор қаратиш, ҳеч бўлмаса ўз исмларимизга диққатли бўлиш вақти келмадимикин?!.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Равшанлик — тилнинг асосий фазилати.**
**АРАСТУ**

***

**Тил маданият билан юксалади.**
**Л. ТОЛСТОЙ**

***Она тилида асрлар давомида шаклланиб, такомиллашиб келган халқ тафаккури ва руҳияти акс этади. Ўз тилини йўқотган миллат, шубҳасиз, ўзлигидан жудо бўлади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний алоҳида таъкидлаганидек, «Ҳар бир миллатнинг дунёга борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти тили ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур».***

## Давлат тили — жамият ривожланиши асоси

1989 йил 21 октябр санаси ҳеч эсимиздан чиқмайди. Она тилимизга давлат тили мақоми берилган ўша кунда биз зиёлилар қанчалик севинган эдик. Ахир бу юз йиллик қарамликдан кейин муқаддас қадриятларимизнинг тикланаётганини англатар эди-да.

Давлат тили ҳақидаги қонунда она тилимиз билан биргаликда юртимиздаги барча миллатларнинг тилларини ривожлантириш, тили ва дини, миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим ва ахборот олиш каби ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган эди. Эътиборли томони шундаки, бу эътироф Ўзбекистон Конституциясида ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб қўйилди ва ўзбек тили мамлакатимизнинг байроғи, мадҳияси, герби, конституцияси қаторида ҳимоя қилинадиган энг муқаддас тимсолга айланди.

Ўтган ўн тўққиз йилда давлат тилининг нуфузини ошириш йўлида эзгу ишлар қилинди. Унинг тараққий этиши учун тадқиқотлар олиб борилди, кўплаб илмий китоб ва қўлланмалар, дарслик ва луғатлар чоп этилди. Бир пайтлар ўз тилимизда ариза ёзиш имкони бўлмаганини айтсак, бугунги ёшлар ишонқирамай қарашади. Бугун эса ҳукумат идораларидан тортиб маҳалла йиғинларигача она тилимизда иш юритилади. Хорижда ишлаб чиқарилган компютер ёки телефонлар ўзбек тилида керакли ахборотни бериб турса, жуда мароқли бўларкан. Ё бўлмаса, интернет орқали хорижда илмий иш қилаётган шогирдингдан ўзбек тилида хат келиб турса!

Тилимизнинг шундай истиқболидан ҳар қанча қувонсак арзийди. Айниқса, давлат тилининг халқаро миқёсда фаол мулоқот воситасига айланаётгани ҳар бир юртдошимизда ифтихор туйғусини уйғотиши шубҳасиз. Кураш бўйича халқаро мусобақаларда ўзбекча терминларнинг қўлланаётгани нафақат полвонларимиз, балки барчамизга қувонч бағишлайди. Ишончимиз комилки, бугунги кунда ўзбек тилини ривожлантириш бўйича илмий иш олиб бораётган олимларимиз келгусида фаннинг барча муҳим тармоқлари, жумладан коммуникация ва ахборотлаштириш, банк-молия тизимида ҳам ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтиришга ҳисса қўшадилар.

Қирқ йилдан ортиқ Шофиркон туманидаги Саъдулла Назаров номли мактабда она тили ва адабиёт фанидан ёшларга сабоқ бердим. Ўнлаб шогирдларим издошим бўлиб, ўзбек тили тарғиботчиси сифатида эл ҳурматини қозонишди. Тил байрами муносабати билан ўтказиладиган учрашувларда ўқувчиларим мени ҳам алоҳида ҳурмат билан даврага чорлашади. Шундай йиғинларда тилимизнинг ривожи учун давлатимиз амалга оширган эзгу ишлар билан бирга бу борада қилиниши лозим бўлган долзарб вазифаларни бирма-бир санаб, ёш авлодни тилга эътиборли бўлишга чақираман.

Ёшлар ҳозирги кунда она тили билан бирга икки-учта хорижий тилни ҳам ўрганишаяпти. Бу жуда яхши. Доноларимиз тил билган эл билади деб бежиз айтишмаган. Тил билган киши юрт ободлигига ҳисса қўшади, давлатлар, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини боғлайди. Аммо ўз тилини яхши билмаслик ёмон. Тилни бузиб гапириш эса иллат. Бу нафақат она тилимизга, балки суҳбатдошга нисбатан ҳам ҳурматсизликдир.

Тил — миллат кўзгуси. У ҳеч қачон хира тортиб қолмасин, аксинча, давлатимизнинг тимсоли бўлиб ҳамиша ярқираб турсин.

**Тўра ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон халқ таълими аълочиси**

## Миллат тафаккурининг калити

**Ўқитувчилар хонасига кириб келган йигит Мастура Йўлдошеванинг эътиборини тортди.**

**— Ассалому алайкум, устоз, мени танидингизми? Женя Головченкоман, — деди йигит аёлга қўл узатиб.**

**— Узр, энди танидим, — Мастура опа собиқ ўқувчиси олдида бироз шошиб қолди. — Женя, сен педагоглик касбини танлабсанда-а, жуда яхши!**

**— Яқинда университетни тугатдим, устоз. Сизга ҳамиша ҳавас қилардим. Мана, ёнингизга амалиёт ўтагани келдим. Сизнинг тажрибангиздан кўпроқ ўргансам дейман.**

**Мастура Йўлдошева ҳаяжонланди. Севиниб бош силкиди. «Шунча йиллик меҳнатларим зое кетмабди», — дея ўйлади кўнгли ёришиб. Ахир ҳазилакам гапми, у ўқитган болалар камолга етиб, мустақил иш бошлашибди. Муҳими, уларнинг қалблари илм нуридан чароғон, кўзларида эса келажакка ишонч балқиб турибди.**

**Мастура Йўлдошева кўп йиллардан буён Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 89-мактабнинг рус синфларида ўқийдиган болаларга ўзбек тилидан дарс бериб келади. Она тилимизнинг гўзал ва бетакрор эканлигини уларга тинмай уқтиради. Ўқувчилари «Ассалому алайкум» деган сўзни чиройли қилиб айтишганда у янада қувонади. Айниқса, ўзбек тилига бағишлаб мактабда ўтказилган кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида Мастура опанинг ўқувчилари кўпинча пешқадам бўлишади.**

**— Тил миллат тафаккурининг калитидир, — дейди педагог. — Тил билган кишилар бир-бирининг кўнглига осон йўл топади. Аллоҳга шукурки, халқимиз мустақилликка эришди. Она тилимизнинг мавқеи юксалди. Давлатимизнинг тил таълими тўғрисидаги сиёсати тубдан ўзгарди. Она тилимиз бойлигини теран англаётган кишилар орасида бу тилни севиб ўрганувчилар кўпаймоқда.**

**Мастура Йўлдошеванинг таъкидлашича, бугунги кунда тилимиз имкониятларини янада жиддийроқ ўрганиш лозим. Чунки орамизда ўзи ўзбек бўла туриб, она тилида қийналиб сўзлашадиган одамлар учрайди. Бундайлар эса халқимиз яратган нодир асарлар, тарихий достонлар мазмунидан бебаҳра қолаверади.**

**Ҳа, педагог ҳақ.**

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**




## Тил — миллат ифтихори

Ҳар бир тил миллат маънавиятининг узвий бўғини, таъбир жоиз бўлса, пойдевори ҳисобланади. Маънавият ва миллат тушунчалари яхлит бирикмага ўхшайди. Улар бир-бирини тўлдириб туради, бири бўлмаган жойда иккинчисига ҳам ўрин қолмайди.

Халқнинг безавол бойлигига айланадиган, унинг этник ўзига хослигини таъминлайдиган, миллат сифатида мангу барҳаёт туришига хизмат қиладиган маънавий ёдгорликлар айнан тил ҳамда ёзма манбалар ёрдамида аждодлардан авлодларга етиб келади. Ҳозир ҳам ер юзида уларнинг сони икки мингдан ортиқ. Бироқ уларнинг ичида тил сифатида фақат номигина сақланиб келаётганлари ҳам бор. Илк матбаа нашрларимиздан бўлмиш «Ойна» журналида бу масалага бағишланган мақолалар қайта-қайта чоп этилгани бежиз эмас. Чунончи, журналнинг 1915 йилдаги 7-сонида чоп этилган «Ҳар бир миллат ўз тили билан фахр этар» сарлавҳали мақолада қуйидагиларни ўқиймиз: «...Агарда тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни қўша берсак, бир оз замонда тил ва миллатимизни йўқотадурмиз. Миллатимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзи ила албатта йўқолур. Бас, бизға тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадур».

Дарҳақиқат, тил қайғуси — миллат қайғуси, тил мустақиллиги руҳ озодлигидир.

**Жамшид НИЁЗОВ**

## «Filolog.uz» яратилса...

***Одатда байрамга яқин тил ҳақида «кўп ва хўб» гапирамиз. Байрамдан кейин эса яна эски ҳаммом, эски тослигича қолаверади. Яна ғализ жумлалар, хатога тўла номлар, имлони бузишни фазилат ҳисобловчи реклама лавҳалари... Бироқ ҳеч ким савол бермайди: «Нима қилмоқ керак?». Ана шу масаланинг ечимига оид бир фикр вужудга келдики, уни амалга ошириш нафақат тилимиз ривожи, балки авлодлар тафаккурининг кенглигини ҳам таъминлаб беради деб ўйлаймиз. Ташаббускор, интилувчан ёшларни ўзида жамлаган бир жамоани биламан. Ҳар галги ташрифимда қизғин баҳс, янги лойиҳалар режаси устидан чиқаман. Асил мақсади компютер дастурлари тузишга йўналтирилган бу корхона ишчиларининг ўткир нигоҳидан ҳеч нарса қочиб қутулолмайди. Ўзбек тилини асил жилоси билан сақлаб қолиш — уларнинг мақсадларидан бири. Шу билан бирга дунёвий миқёсга олиб чиқиш. Бу режалар рўёби ўлароқ диктант (ўзбек тилида!), лотин алифбосига асосланган янги ўзбек алифбоси (икки белги билан ёзилувчи ҳарф ва ҳарфий бирикмаларнинг бир тугмача ёрдамида ёзилиши) программалари дунё юзини кўрди.***

***Техника ривожланган ушбу асрда ундан унумлироқ фойдалана билиш ҳам керак. Модомики, реклама панноларидаги хатоларни камайтириш учун муайян куч сарфланар экан, бу куч аср мўъжизаси орқали амалга оширилсин деган фикрни муҳокама қилишаётганининг гувоҳи бўлдим охирги учрашувимизда. Фикрнинг моҳияти шундан иборат эдики, реклама матнлари ва турли номларни текшириб берувчи махсус сайт яратилса (дейлик, унинг номи «filolog.uz» бўлсин) ва ундан хоҳлаган одам фойдаланиш имкони бўлса. Керакли матн киритилгач, сайт админстратори (у албатта ўзбек тили бўйича мутахассис бўлиши керак) томонидан фойдаланувчига матннинг текширилган ва таҳрир этилган кўриниши тақдим этилади. Бундай мулоқот орқали ҳам вақт тежалади, ҳам харажат. Бу лойиҳани амалиётга татбиқ этиш учун айни вақтда талаб этилаётган нарса маблағ ва эътибордир.***

***Умид қиламизки, миллат равнақи учун бефарқ бўлмаган, ҳимматини баланд тутган кишилар орамизда кўплаб топилади. Уларнинг саъй-ҳаракати ўлароқ режалаштирилаётган лойиҳа узоқ вақт яхшиликларга хизмат этади.***

**Дилдора РАҲМОНОВА,**
**«Ishonch» мухбири**

***Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Бухорога 80 минг нафардан ортиқ сайёҳ ташриф буюрган бўлиб, уларнинг салкам 66 минг нафари хорижликлардир. Туристларга қиймати қарийб 5 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, экспорт хизматининг қиймати 2 миллион 600 минг АҚШ долларидан ошган.***

# ТУРИЗМ:
## давлатни ҳам танитади, ҳам бойитади



«Вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича 2008 йилга мўлжалланган тадбирлар дастури» ижросини таъминлаш мақсадида бошланган ҳаракатлар натижасида шаҳардаги хусусий меҳмонхоналар сони 3 тага, улардаги ўринлар сони эса 80 тага кўпайди. «Кавсар Бухоро — Султон ота», «Олд Сити», «Зиёбахш сервис» меҳмонхоналари ҳамда «Самира — Вояж» фирмалари фаолият бошлашгани боис 73 та янги иш ўринлари яратилди. Бундан ташқари, мавсум мобайнида тўқсонга яқин киши қўшимча иш ўрнига эга бўлди. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоронинг тарихий обидаларига муштоқ сайёҳлар сонининг ортиши билан «Азия Бухара», «Роял Гарден Реал», «К. Комил», «Шаҳноза Нодирбек» сингари меҳмонхоналарда қўшимча бинолар қурилиб, ўринлар сони кўпайтирилмоқда. Пировардида шаҳарда бир вақтнинг ўзида 1854 нафар сайёҳни қабул қилиб, юқори даражада сервис хизмати кўрсатиш имкони яратилди. Шунингдек, «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Бухоро» меҳмонхонасида 1 миллион 889,8 минг АҚШ доллари миқдорида қайта таъмирлаш ишлари бажарилди.

Жорий йилнинг 2-5 май кунлари Бухоро шаҳрида IX «Ипак ва зираворлар» фестивали ўтказилгани ҳам эътиборга молик. Миллий ҳунармандчиликни сайёҳлик билан уйғун ҳолда ривожлантириш кўзда тутилган ушбу фестивалда қўшни давлатлар қатори диёримизнинг юзга яқин амалий санъат усталари, кўплаб хорижлик туроператорлар, юртимизда фаолият юритаётган ЮНЕСКО ваколатхонаси ва 29та чет эл элчихоналари вакиллари иштирок этдилар. Тадбирда нафақат амалий санъатимиз, балки туристик индустриямиз равнақи йўлида Бухорони йирик сайёҳлик марказига айлантириш бўйича истиқболли режалар белгиланди.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ва хусусий сайёҳлик ташкилотлари вакиллари қаторида бухоролик мутахассислар ҳам ривожланган мамлакатларда ўтказилаётган туризм ярмаркаларида иштирок этаётганлари ижобий самара бераяпти. Масалан, кейинги пайтларда Туркия, Индонезия ва бошқа давлатлар фирмалари билан туризмни ривожлантириш борасида имзоланган шартномалар сайёҳлар сони ҳамда улар учун чартер авиарейсларни янада кўпайтириш имконини бермоқда. Шунингдек, туристлик имкониятларни реклама қилиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада фирмалар ва меҳмонхоналаримиз томонидан 10 миллион сўмлик буклет, йўл кўрсаткичлари, хариталар ва ёдгорликларнинг бежирим нусхаларини хорижликларга тарқатилаётгани ҳам ижобий самара бермоқда.

— Галдаги вазифаларимиз кўлами кенг, — дейди «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамияти раиси Мансур Зокиров. — Хорижлик сайёҳлар талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда «Ekzotik» ва «Camel Safan» дастурлари (Айдаркўлда дам олиш) тайёрланиб, маршрутларга киритилди. Бугун «Country Tour» дастури (қишлоқ хўжалиги фаолияти билан танишиш) лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳамкор фирмалар орқали тарғиб қилинмоқда. Шунингдек, зиёратчи сайёҳлар учун етти пирнинг қадамжолари бўйлаб янги йўналишлар ташкил этилиб, саёҳатлар уюштирилаётгани ютуқларимизни кўпайтирмоқда.

Дарҳақиқат, Бухорода туризмни ривожлантиришнинг янги имкониятлари вужудга келаётгани айни муддао бўлаяпти. Бугунги кунда мавжуд 63 та сайёҳлик ташкилотининг 47 таси ўз электрон қутисига эга бўлгани, «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамияти сайтидаги ахборотлар инглиз, итальян ва немис тилларида ёритилаётгани юртимизни жаҳон узра кенгроқ танитиб, унинг ортидан келадиган манфаатни янада оширмоқда.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ҲАЗРАТ ОБЛОҚУЛОВ



**Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги оғир жудоликка учради. Моҳир пахтакор, Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги «Қаҳрамон Ҳазрат пахтакор» фермер хўжалиги бошлиғи ҳазрат Облоқулов шу йил 19 октябр куни 80 ёшида вафот этди.**

Ҳазрат Облоқулов ўз меҳнат фаолиятини иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида бошлади. Дастлаб жамоа хўжалигида сувчи, звено бошлиғи, бригадир, бош пудратчи бўлиб узоқ йиллар виждонан ва самарали меҳнат қилди. У ўзининг бор кучини ва бой тажрибасини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлади. Бухоронинг мураккаб иқлим ва тупроқ шароитида пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мунтазам равишда мўл ҳосил олишга эришиб, омилкор деҳқон сифатида танилди. Ишнинг негизини билиш, одамларнинг оғирини енгил қилишга интилиб яшашдек юксак инсоний фазилатлари билан эл-юрт ҳурматига сазовор бўлди.

У қишлоқда ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг кўзга кўринган вакилларидан бири сифатида хўжалик юритишнинг ушбу истиқболли шаклини амалда тасдиқлашга катта ҳисса қўшди, кўплаб ёшларга деҳқончилик сир-асрорларини яқиндан ўргатди.

Ҳазрат Облоқуловнинг республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришдаги катта хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, у «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими», «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвонлари билан тақдирланган эди.

Меҳнаткаш ва камтарин инсон, уста пахтакор Ҳазрат Облоқуловнинг хотираси қалбларимизда доимо сақланиб қолади.

**И.Каримов, И.Собиров, Д.Тошмуҳаммедова, Ш.Мирзиёев, С.Исмоилов**



***Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга ҳамоҳанг равишда хайрли тадбирлар ўтказилмоқда. Маъмурият ташаббуси билан ташкиллаштирилган учрашувда олийгоҳнинг курсант ва ходимларидан иборат ёш оилалар, уларнинг ота-оналари, фахрийлар, олийгоҳнинг профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.***

# «Эл меҳри асрасин, Сизни ҳар жойда...»

— Оила — муқаддас даргоҳ. Ота-оналаримиз кўзининг оқу қораси бўлмиш жигаргўшаларини оқ ювиб, оқ тараб улғайтириб, Ватан корига камарбаста бўлсин, дея ички ишлар идоралари ходими бўлишга отлантирганининг ўзи катта жасоратдир, — таъкидлади олий техник мактаби бошлиғи, юридик фанлари доктори, профессор, генерал-майор Матрасул Собиров тадбирни очар экан. — Бинобарин, Юртбошимиз, ички ишлар ходими оддий бир инсон, лекин ҳамма ҳам ички ишлар ходими бўлолмайди, дея таъриф берганлари бежиз эмас.

Шундан сўнг ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси Ғ.Раҳимов сўзга чиқиб, 60 йиллик машаққатли, сермазмун фаолияти ҳақидаги хотираларини ёш офицерлар билан ўртоқлашди. Ёшларнинг ушбу шонли бурчни адо этишда сергак ва ҳушёр, оилада эса ҳамиша ҳамфикр, елкадош бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Самимий ва кўтаринки руҳда ўтган учрашувда ёш оилалар ва курсантлар ота-оналари номидан А.Содиқова, О.Жумабоева, Д.Ҳошимова сўзга чиқиб, ёшларга берилаётган эътибордан мамнун эканликларини эътироф этишди.

— Ўғлим илк бор форма кийганида юрагим қувончдан тўлиб тошганди, — дейди Д.Ҳошимова. — Бугун у мустақил ҳаётга йўлланма олди. Унинг маҳалла, эл-юрт ва умуман олганда халқ, одамлар дарди билан яшай оладиган юксак инсоний хулқ-атвор ва маънавий фазилатлар руҳида тарбияланганидан бахтиёрман.

Марҳум шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги сатрлари ҳарбийларимиз шарафига айтилган энг гўзал ашъорлардан бири бўлди:

***Сизда ором қайда, сизда тин қайда?***
***Сиз тўйиб ухлаган битта тун қайда?***
***Посбон биродарлар, фидойи жонсиз.***
***Эл меҳри асрасин, Сизни ҳар жойда.***

Подполковник З.Неъматов «Посбоннинг икки қаноти», «Бекажонлар асрай билинг, бегингизни» шеърларини ўқиб, барчага хуш кайфият бахш этди.

Олий ўқув юрти раҳбарияти номидан олийгоҳда аъло ўқиши, хулқи, жамоат ва спорт ишларида сафдошларига ўрнак бўлаётган ўнлаб курсантларнинг ота-оналарига «Ташаккурнома» ҳамда «Миннатдорлик хатлари» топширилди.

Тадбир сўнггида меҳмонлар курсантларга яратилган шарт-шароитлар ҳамда мактаб тарихи музейи билан яқиндан танишдилар.

**Ўктам ХОЛИҚОВ,**
**катта лейтенант**

# Мувозанатни сақлаш йўлида...



**Ўқитувчи шароитдан рози бўлса, таълим самарадорлиги ошади.**

Боғот туманида 50 та мактаб, 26 боғча, 3 та мактабдан ташқари таълим муассасаси ва 1 спорт интернати бўлиб, уларда 4100 дан ортиқ киши ишлайди. Соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида туман халқ таълими бўлими маъмурияти ҳамда касаба уюшма вакиллиги ўртасида келишув тузилган:

Халқ таълими бўлими мудири Пўлат Ўрозовнинг таъкидлашича, таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, моддий базани мустаҳкамлаш ва ходимларга қулай иш шароитлари яратилишини таъминлаш йўлида ушбу Келишувнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Бу борада туман таълим муассасаларида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 48 нафар ўқитувчининг илғор тажрибалари ўрганилди, 18 ўқитувчининг ишлари оммалаштирилди. Турли мавзуларда 42 та амалий-услубий семинарлар ўтказилди. Бундан ташқари, ободонлаштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда: тераксзорлар ташкил қилиниб, гулчилик ривожлантирилди. Қолаверса, педагог ходимларнинг дарс самарадорлигини ошириш мақсадида кузатув йўлга қўйилиб, йил давомида 524 нафар ходимнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрловдан ўтказишга эришилди. Синфдан ташқари тарбия жараёнига эса алоҳида эътибор қаратилиб, 20 та тўгарак ташкил қилинган. «Ёшлар ижодий маркази»га 700 нафардан зиёд ўқувчилар жалб этилди.

Ўз навбатида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман вакили Ширин Юсупова ушбу келишув ва 26 та жамоа шартномаси шартлари бажарилиши доимий назоратга олинганини, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги учун тегишли маблағлар ажратилганини таъкидлади. Чунончи, 38 нафар тармоқ ходимлари республика санаторийларида, 19 нафари УрДУ қошидаги санаторий-профилакторийда саломатликларини мустаҳкамлашган бўлса, уларнинг 540 нафар фарзандлари туман ёзги дам олиш оромгоҳларида, 12 нафари республика оромгоҳларида дам олишди. Айниқса, ёшларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан саккиз миллион сўмликдан зиёд спорт кийимлари тарқатилганлиги аҳамиятга молик.

Бундан ташқари, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш доимий диққат-эътиборда: ўтказилган 6 та машғулотда 295 нафар касаба уюшма аъзоси иштирок этди. Йил давомида кам таъминланган, ногирон ходимлар ҳолидан хабар олиб турилди. Аъзолардан бирига эса ҳомийлар кўмагида қорамол олиб берилди.

— Ёшлар йилида ушбу келишув ва шартномалар асосида бир қатор ижобий ишларни амалга оширдик, — дейди Ширин Юсупова. — Йилнинг ўтган даври мобайнида 7 киши санаторийларда дам олган бўлса, 14 нафар кам таъминланган ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# бор ҳам анчагина

«Касаба уюшмасига аъзолик ва унинг афзалликлари», «Фермер хўжалигида меҳнат қонунчилиги», «Фермер хўжаликлари касаба уюшма қўмиталарида иш юритиш, ҳужжатлар ва жамоа шартномаларини расмийлаштириш юзасидан тавсиялар» каби буклет ва қўлланмалар чоп этилиб, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотларга тарқатилган.

Ижтимоий шерикчиликнинг энг муҳим омили ва таъсирчан воситаси ҳисобланган жамоа шартномалари, ҳудудий ва тармоқ келишувлари орқали ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазасини такомиллаштириш, айниқса, кам таъминланган, муҳтож оилаларга кўпроқ эътиборни қаратиш асосий вазифа ҳисобланади. Вилоятдаги юридик мақомга эга 30796 корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 29734 тасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Ушбу юридик ҳужжат бўйича 25632 нафар кам таъминланган, кўп болали муҳтож оилалар, меҳнат ва уруш фахрийлари, ногиронларга 1 миллиард 196 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Бу мақсад учун касаба уюшмалари ҳисобидан 115 миллион 541 минг сўм ажратилди. Ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 100924 сўмни ташкил этади.

«Косонёғэкстракция» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ходимларга қарийб 20 миллион сўмлик моддий ёрдам берилган. «Қашқадарётехнологиктранспорт» очиқ ҳиссадорлик жамиятида жамоа шартномалари бўйича бир йилда ходимлар 193 миллион 213 минг сўм миқдорида рағбатлантирилган бўлса, корхонанинг «Муборак», «Ўртабулоқ» автосаройларида зарарли шароитда ишловчиларга ойлик маошларига қўшимча равишда 41 миллион 205 минг сўм тўланган.

Бундай ибратли ишлар «Муборакнефтгазтранс», «Дунё-М» очиқ ҳиссадорлик жамиятлари, «Қаршиёғэкстракция» қўшма корхонаси, «Жейнов» деҳқон фермерлар уюшмаси каби меҳнат жамоаларида ҳам амалга ошириляпти.

Бироқ жамоа шартномаларининг ярим йиллик бажарилиш якунлари кўрсатмоқдаки, ҳамма жойда ҳам белгиланган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Қашқадарё электр тармоқлари очиқ ҳиссадорлик жамиятида, Косон туман ижтимоий таъминот бўлими, «Насаф» шўъба корхонаси каби ташкилотларда жамоа шартномалари талабга тўлиқ жавоб бермайди. Вилоятдаги фермер хўжаликларининг 894 таси жамоа шартномаси билан қамраб олинмаганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Нодавлат сектори ходимларининг меҳнат муҳофазаси қай аҳволда? Ўтган бир йил давомида меҳнат муҳофазаси тадбирларига 7 миллиард 246 миллион сўм маблағ сарфланган бўлса, бу ҳар бир ходимга ўртача 12416 сўмдан тўғри келади. Касаба уюшмаларининг аралашуви билан меҳнатни муҳофаза қилишдаги қонун-қоида ва меъёрларнинг бузилиши бўйича мавжуд камчиликларнинг 4985 таси бартараф этилди.

Аммо маълумотларга кўра, ҳозирги кунда 6 минг нафардан ортиқ киши санитария-гигиена ва техника хавфсизлиги талабларига тўлиқ жавоб бермайдиган шароитда меҳнат қилмоқда. Бундай нуқсонларни бартараф этиш учун касаба уюшма ташкилотлари талабчанлик ва масъулиятни кучайтиришлари керак.

Касаба уюшма етакчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, ижтимоий шериклар билан қатъият ва изчил равишда меҳнат қонунларига суянган ҳолда ҳамкорликни ривожлантириш даркор. Касабақўмлар аралашуви билан ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган 18 нафар ходим вазифасига тикланди. Қуйи ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш ишдаги муваффақиятни таъминлайди. Афсуски, «2532 автожамланма», «Китоб-76», Шаҳрисабздаги «Садо» масъулияти чекланган жамияти, Миришкор туман «Қишлоқхўжаликкимё», Ғузор МТП очиқ ҳиссадорлик жамиятлари, Китобдаги «Оқсув» умумий овқатланиш корхонаси, Қамаши тумани хўжалик ҳисобида ишловчи тиш касалликларини даволаш шифохоналарида касабақўм иш режаси тузилмаган. Бошланғич ташкилотлар фаолияти суст. Ички меҳнат тартиб-қоидалари ишлаб чиқилмаган. Бундай меҳнат жамоаларида касаба уюшма ташкилотининг тутган ўрни, унинг обрўси ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш учун аввало бошланғич ташкилотлар фаолиятини тубдан яхшилаш керак. Бунда фақат тушунтириш, тарғибот-ташвиқот билан чегараланиб қолмаслик керак. Демоқчимизки, касаба уюшма аъзоси ходимлар ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштириш, маданият ва спорт масканларидан фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий томондан ҳимоялаш, касаба уюшма органларига сайлаш ва сайланиш каби имтиёзларга эга эканлигини тушунсин. Ана шундагина нодавлат секторида касаба уюшмаларининг нуфузи янада ошади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

# Олам ва одам

Воқеалар
Тафсилотлар

## Эскини эплагунча эсинг кетади



Қарилар бекорга «эскини эплагунча эсинг кетади» дейишмайди. Эски нарса бир кун келиб панд бериб қўйиши мумкин. Масалан, Қозоғистоннинг «Жетису» авиакомпаниясига қарашли ЯК-40 самолёти Остона халқаро аэропортига авария ҳолатида қўнган. Яъни, унинг олдинги шассисининг покришкаси ишдан чиққан. Ҳодиса 17 октябр куни эрталаб юз берган бўлса-да, бу ҳақда эртаси куни оммага маълум қилинди.

Толдиқўрғондан пойтахтга учиб келган самолёт бортида 30 йўловчи ва 4 нафар экипаж аъзоси бор эди. Авариядан ҳеч ким жабрланмаган.

## Порахўрнинг жазоси



Пекин шаҳрининг собиқ вице-мэри Лю Чжихуа якшанба куни суд томонидан порахўрликда айбдор деб топилди ва ўлимга ҳукм қилинди.

Собиқ амалдор Хитой пойтахтини 2008 йилги олимпиадага тайёрлаш, жумладан, янги спорт объектларини қуриш ва мавжуд инфраструктурани яхшилаш ишларига масъул бўлган. 2006 йил ёзида коррупцияда айбланиб ишдан бўшатилган. Шундан сўнг уни Хитой коммунистик партиясидан ҳам ҳайдашган.

Ҳукмда Лю Чжихуа ўйнаши билан биргаликда тадбиркорлардан жами 6,97 млн. юан (1 млн. долларга яқин) пора олганлиги айтилади. «Синхуа» агентлигининг хабар беришича, ҳукм ижроси икки йилга кечиктирилган. «Reuters»нинг қайд этишича, Хитойда бу одатда ўлим жазоси умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилишини англатади.

## Деярли битта рота «қуролсизлантирилди»



Ўтган ҳафтанинг дам олиш кунлари Россия пойтахти ҳамда Москва ва Смоленск вилоятларида ўтказилган операцияларда Федерал хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги ходимлари ноқонуний қурол сотувчилари ва тайёрловчиларидан 90 та ўқотар қуролни олиб қўйишди. Булар асосан ТТ, «Стечкин», «Макаров» тўппончалари, «Кедр» пистолет-пулемётидир.

Операция жараёнидан 40 га яқин жойда тинтув ўтказилган. 10 дан зиёд киши ҳибсга олинган.

## Шарқда энергия текинми?




Японияннинг Тохоку университети олимлари ишлаб чиққан экспериментал уй 2009 йилнинг ёзигача қурилади. Мамлакат оммавий ахборот воситаларида шундай хабар тарқалди. Икки қаватли уй ички манбалар асосида ўзини ўзи электр энергияси билан тўлиқ таъминлайди.

Уй жуда кўп кичик электростанциялар билан жиҳозланади. Университет профессори, лойиҳачилар гуруҳи бошлиғи Кадзуюки Тодзининг айтишича, деразадан кираётган шамол, тарновдан оқаётган сув, эшикларнинг очилиб-ёпилиши, жўмракдан оқаётган сув биз одатда эътибор бермайдиган қувват манбаларидир. Жумладан, велосипедда бир соат сайр қилиб, уяли телефонни зарядлаб олиш мумкин. Юқоридаги манбалардан олинган энергия аккумуляторларга йиғилади. Улар орқали эса рўзғордаги буюмларни бемалол ишлатиш мумкин.

**Интернет хабарлари асосида ТДИУ талабаси Нурали Саидов тайёрлади**

# Спорт оламида

◆ Хотира турнири ◆

## ТЎП ТЕПИШ ЗАВҚИ



***Спорт фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган журналистлар ўртасидаги анъанавий тўртинчи турнир қизғин паллага кирди.***

Республикамиздаги оммавий ахборот воситалари ходимларидан тузилган 20 та жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда саралаш ўйинлариданоқ улоқни қўлга олишга ҳаракат қилишмоқда.

«Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Маърифат», «Миллий телерадиокомпания», Тошкент ТВ, «Машъал» радиоси...Ҳатто «Жаҳон» АА жамоаси таркибида мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижлик журналистлар ҳам тўп тепиш борасидаги маҳоратларини намойиш этишмоқда. Тажрибали устоз журналистлар ёш ижодкорларга ҳар томонлама ўрнак бўлишяпти.

— Одатда ижодкорлар яхши бир хабар ёки мақола ёхуд шеър ёзишса, бундан хурсанд бўладилар, — деди «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги директори Саъдулла Ҳакимов мусобақанинг очилиш маросимида. — Бугун майдонда тўп сураётган журналистлар нафақат ижод оламидан, балки спорт майдонидан ҳам ўзига хос завқ олишмоқда. Яъни, футболчи шеригига чиройли «пас» берса, бир яхши хабар ёзгандек, рақибини устомонлик билан алдаб ўтса, мазмунли мақола қоралагандек, агар омади кулиб, тўп киритиб қолганда эса ижод маҳсули газетада чиққандек завққа тўляпти. Спорт ва футбол орқали ҳамкасблар ўзаро дийдорлашган, барча байрамона кайфиятда...

Дарҳақиқат, соғлом турмуш тарзига хизмат қилувчи бу турнирнинг оммавий футболни ривожлантиришга ҳиссаси катта бўлиши, шубҳасиз.

Ижодкорлар ўртасидаги ғолиб ва совриндорлар номи 26 октябр куни маълум бўлади.

◆ Теннис ◆

## ҲЕЧ КИМ ЮТҚАЗМАДИ

Пойтахтимизда бир ҳафта давом этган, мукофот жамғармаси 125 минг АҚШ долларига тенг «Тошкент-2008» Челленжер халқаро теннис турнири ниҳоясига етди.

Қизиқарли ва муросасиз ўтган яккалик баҳслари финалида турнирнинг биринчи рақамли «ракеткаси» Хитой тайпейилик Йен Хсун Лу Франция вакили Метью Монкоурт устидан ғалаба қозонди ва бош соврин соҳиби бўлди. Баҳс ҳақида Монкоурт қуйидаги фикрларни билдирди:

— Лу — мусобақа фаворити. Шундай экан, финалгача чиққанимнинг ўзи мен учун катта ютуқ, деб ўйлайман.

— Лу билан илгари кортда дуч келганмисиз ?

— Йўқ.

— Бу сизнинг «Челленжер» мусобақаларидаги биринчи финал баҳсингизми ё?

— Йўқ, бунгача Италияда 50 минг евро ва Финляндиядаги турнирда эса ютуғим эвазига 37 минг евро соҳиби бўлгандим...

Жуфтлик мусобақаларида эса Флавио Чиполла (Италия) /Павел Снобел (Чехия) жуфтлиги россиялик Михаил Елгин ва Александр Кудрявцев «тандем»ини қийинчиликсиз мағлуб этди: 6/3, 6/4.

Гарчи, ҳамюртимиз, республикамизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин турнирда ғолибликка эриша олмаган бўлса-да, (у ярим финалда француз теннисчиси Монкоуртга имкониятни бой берди) АТР рейтингида ўз очколарини 40 тага кўпайтириб олди ва жаҳоннинг кучли юзлигига кириш учун навбатдаги қадамини ташлади.

**Акмал АБДИЕВ**



◆ Санъат гулшани ◆

## ГЎЗАЛ ТУЙҒУЛАР МУСАВВИРИ



***Эркабой Машарипов шоирона гўзал туйғуларини мойбўёқ орқали баралла куйлай оладиган рассом. У тасвирий санъатдаги дастлабки қадамлариданоқ реалистик йўналишнинг барча асосларини мукаммал ўрганган. Шундан келиб чиқиб ижод қилади. «Наврўз сайли» (1994), «Қизлар сайли» (1994), «Мусиқа» (1997), «Овчининг туши» (2007) каби асарлари бунинг далилидир.***

Рассом ҳар бир асарида халқ урф-одатлари, турмуш тарзидан келиб чиқиб мотив танлайди. Образлар ва тасвирланган муҳитни ғайритабиий, томошабиннинг туйғуларини жунбушга соладиган ранг ва чизгилар уйғунлигида мавжлантиради.

Эркабой Машарипов Хоразм фарзанди. Шу боис воҳанинг ўзига хос табиати, кишиларининг руҳиятини қалбдан ҳис қилади. «Умидвор йўл» (1991), «Хива куйи» (1997), «Ихлос» (2004) каби асарларида бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

Рассом ҳар бир асарини юракдан ҳис қилиб ишлайди. Рассом тинимсиз изланиш жараёнида шундай ҳолатни топишга эришадики, композицияда ҳар бир қиёфа ўз ўрнини топади. Картинаси битмагунча ундаги ҳолатга кириб, у билан яшаб, образлари руҳияти қобиғида ҳаёт кечириб юради.

«Шайх Мухтор Вали» ғояси Левитаннинг «Вечный звон» («Абадий жаранг») картинаси таъсирида туғилган. Левитан асаридан таъсирланиб рассом кўнглида зиёратхоналар, қабристон, авлиёларга бағишланган асар яратиш ғояси туғилади. Асарда инсон охир-оқибат у дунёга кетиши ишонарли тарзда акс эттирилган. Композицияни ушлаб турган иккита бўшлиқ, чексизлик, соялар, туман, сукунат, жимжитлик, чалғитадиган нарсанинг йўқлиги асарга ўзгача сокинлик бахш этади.

Эркабойнинг «Алпомиш» (1997), «Паҳлавон Маҳмуд» (1996), «Туғилиш» (2000), «Ғилон оҳанглари» (2004), «Юлдузнинг туғилиши» (2008), «Хумсон» (2002), «Косонсой» (1994), «Кумушкон» (1996), «Оқтош» (2005) каби асарларида афсонавий қаҳрамонлар руҳий олами ўз ифодасини топган.

**Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**санъатшунослик фанлари номзоди**

◆ Мулоҳаза ◆

## МУОМАЛА — МАДАНИЯТ БЕЛГИСИ



***Халқимиз бежиз «Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан мусулмон динидан чиқади» демайди. Хулқ-атвор, тарбиянинг катта қисми муомала маданиятига келиб тақалади. Баъзилар муомалани асосан тил белгилайди деб ҳисоблашади. Балки тўғридир. Аммо муомала гўзал бўлиши учун тилнинг ўзи кифоя эмас.***

Бир куни ишхонада телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардим. Бир нотаниш овоз шевада «Алло, қаердан бу?» дея сўраб қолди. Аввалига ҳайрон қолдим. Телефон қилган у кишими ёки менми?! Яна «Ким бу?» дейди. Телефон орқали муомалани билмаган одам юзма-юз суҳбатларда қандай мулоқот қилар экан дея ўйланиб қолдим.

— Ассалому алайкум, сизга ким керак?

— Ким бу? Сиз ким бўласиз? — деб давом этди бояги киши.

— Кечирасиз-у, телефон қилиб турган сиз бўлсангиз, сизга ким кераклигини айтинг! — дея жавоб бердим.

Ниҳоят тушунгандек бўлди.

— Менга фалончини чақириб беринг! — деди.

Уй ёки ишхона телефонларида бундай муомалага кўп дуч келамиз.

Энди бозордаги муомалага эътибор беринг. Бир куни «Чорсу» бозорига бордим. Рўзғорга керакли нарсаларни олдим. Биргина нон олиш қолган эди. Сотувчиларнинг олдига бордим. «Мана буни олинг» деб бир сотувчи ўзининг нонини мақтаса, бошқаси «менинг нонним ёғли, мана буни олинг» дея таклиф қилди. Биринчи кўрган нонимни олдим. Иккинчи таклиф қилган сотувчи аёл мен нонини олган аёлни сўкиб кетди. Буни кўриб хижолат бўлдим. Шунга ўхшаш ҳолатларга кўпчилик гувоҳ бўлган бўлса керак. Одамнинг муомаласидан унинг қандай тарбия кўрганини билиш мумкин.

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
**журналист**

◆ Пири бадавлатларимиз ◆

## Хушназар мерганнинг ўғли

Агар йўлингиз тушиб, Фарғонанинг сўлим гўшаларидан бири —Ўзбекистон туманига бориб қолсангиз, боғу роғларга бурканган қишлоқлар, Ўқчи адирлари, Шўрсув яссиликлари, Қайнарбулоғу, «Сочи» сингари дам олиш масканларини кўриб, юртимизнинг табиати хилма-хил ва бағоят фусункор эканлигига яна бир бор амин бўласиз.

Ҳўқанди Латифдан туман маркази Яйпан сари йўлга чиқсангиз, албатта Яккатутни (Муқимийнинг «Саёҳатномаси»да тилга олинган) четлаб ўтолмайсиз. Худди шу қишлоқ чорраҳасидан чапга қайрилиб, аста-секин тепалик йўлдан юқорилаб борсангиз, Қораёзбобо зиёратгоҳидан сўнг Маллахон қишлоғи келади. Хушназар мерганнинг ўғли Набижон ота худди шу қишлоқнинг нуроний кексаларидан.



Қачон қараманг, бирор юмуш билан банд, умрининг 84-баҳорини қаршилаган отахон ҳали анча тетик. У турмуш ўртоғи, раҳматли Маҳорамай она билан 4 ўғил, 2 қизни вояга етказди. Ота умрини безаган нарса меҳнат бўлди. Набижон ота эсини танибдики, меҳнат қилиб ҳоримайди. Ҳалол меҳнатнинг ортидан обрў-эътибор топди. Хуллас, Хушназар мерган номи билан донг таратган отасига тортди. Хон замонларида машҳур овчи бўлиб, у ҳатто бир неча бор унинг марҳаматига сазовор бўлганди.

— Йигит бир марта бўлса ҳам ота касбини қилиб кўриши керак, деган гап бор. Шунга амал қилиб, кўп йиллар овчилик билан шуғулландим. Ҳозир ҳам овга чиқишни яхши кўраман. Аммо кексалик ўз сўзини айтмоқда, — дейди отахон.

Ёш Набижоннинг ўсмирлик йиллари Иккинчи жаҳон урушига тўғри келди. Эркак зоти қолмаган қишлоқда урушнинг юки ўспиринларга тушди. Туну кун далада ишлади. Сув қўйди, ҳўкиз қўшиб ер ҳайдади. Урушдан сўнг далада сувчи, табелчи, боғбон бўлиб тер тўкди. Умр — оқар сув мисоли. Уйланди. Фарзандлар кўрди. Ғалати замонлар эди. Ҳатто оддий деҳқонни ҳам сиёсий найранглар четлаб ўтмади.

Саксонинчи йилларнинг бошида отахон қишлоқдаги мактабда боғбон бўлиб ишлай бошлади. Мактабда ҳам тиниб-тинчимади. Ўғли Нишонбой билан қуён ва товуқ боқишни йўлга қўйди.

— Қуён сербарака жонивор экан. Тез кўпайиб кетди. Икки-уч йилда уларнинг сони ўсиб, биз ўша пайтда республика миқёсида ўтган «Жонли бурчак» кўригида ғолиб чиқдик, — дейди ота. — Найранглар шундан кейин бошланди. Ғолиб чиққанимиз учун ўғлимга «Артек»ка йўлланма берадиган бўлишди. Аммо ўша пайтдаги директору, районо мудирлари бу йўлланмани талаша бошлашди.

Шунда Набижон отанинг қаттиқ жаҳли чиқди. Югурди, елди, ўз ҳақини бировга бериб қўймади. Охир-оқибат Нишонбой «Артек» лагерида дам олиб келди.

Набижон отанинг катта ўғли Носиржон бугун ота касбини давом эттириб, фермер хўжалигини бошқаряпти. Ота тез-тез ўғлининг даласини айланади. Билганларини айтиб, ўғлига кўмак беради.

Пайкал бошида қўлини дуога очиб, элюртга тинчлик, ҳосилга барака тилайди. 6 нафар фарзанд, 30 дан ортиқ набира-ю эваралар даврасида умргузаронлик қилаётган отахоннинг дуоси, иншооллоҳ, ижобат бўлгай.

**Абдулҳай ЮНУСОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Рассом хандаси



Хусан СОДИҚОВ чизган суратлар




## ЯЛАНҒОЧ «ҚЎШНИ»

Бундай жимжитликка ўрганмаган Тожибой ишдан кеч қайтди ва уйига кирди-ю бироз гангиб қолди. Кейин ечиниши кераклиги эсига тушди. Нима қиларини билмасдан диванга ўтирди. Хотини билан болалари қишлоққа кетишганди. У ишини ташлаб боролмади. Мана энди ёлғиз сўппайиб ўтирибди.

Тожибой телевизорни ёқди ва газга чой қўйди. Эски газеталарни варақлаган бўлди. Чой дамлаш учун ошхона томон юрди ва даҳлиздан ўтаркан, алланима тап этди. Бошини кўтариб қараса, сув! Қўшниникидан томаяпти. Жаҳлдан Тожибойнинг кўзларидан ўт чақнади, овозсиз наъра тортди ва эшикни тарақлатиб очиб, тепа қаватга югурди. Зинапояларнинг икки-учтасини битта босиб юқорига чиқди-ю тўсатдан илон кўргандай таққа тўхтади. Чироқнинг хира ёруғида қип-ялонғоч бир қиз белини сочиқ билан боғлаган ҳолатда шумшайиб турарди. У Тожибойга ялт этиб қаради-ю, қўллари билан кўкракларини ёпмоқчи бўлиб тескари ўгирилди ва йиғлай бошлади.

— Сизга нима бўлди? — сўради Тожибой бақрайиб.

— Ваннада чўмилаётгандим, чироқ ўчди, — қиз пиқиллади. — Шитдан ўчгандир деб ўйлаб чопиб чиқиб эшикни қаттиқ ёпибман, қулфланиб қолди. Калит ичкарида...

— Юринг бизникига! Бу ерда турманг.

Қиз иккиланди. Тожибой унинг билагидан секин ушлади, бадани жимирлаб кетди.

— Юринг тезроқ, шамоллаб қоласиз.

Тожибой қизни уйига олиб кирди диванга ўтқазди. Кейин унга қарамасликка ҳаракат қилиб адёл узатди. Қиз ўраниб олди.

— Қандай бўлмасин эшикни очиш керак, — деди у титраб.

— Очамиз, — деди Тожибой қатъий. — Лекин эшик бузилади-да.

— Бошқа илож йўқ-ку.

— Майли, сиз чой ичиб туринг. Мен ҳозир... — Тожибой болта кўтариб тепага чиқди. Бир қарашда кўримсиздай эшик ўлгудай мустаҳкам эди. Тожибой жон-жаҳди билан уннай кетди. Қанча уринганини ҳам билгани йўқ. Чунки қизнинг кумушдай бадани бир зум хаёлидан кетмасди. У тезроқ ишни бажарганини айтиш иштиёқида ёнарди. Ниҳоят, эшик очилди. Тожибой ҳовлиқиб пастга отилди. Бироқ хушхабарни айтишга жуфтланган лаблари аламли буришди: қиз йўқ эди, кийим жавони очиқ, хона тўзиган... Тожибой қараб кўриб, пул ва хотинининг баъзи кийимлари-ю тилла тақинчоқлари ҳам ғойиб бўлганини билди ва бошини аламли чангаллади. Айёр ўғрига учраганига ишонч ҳосил қилгач, милицияга хабар бермоқчи бўлди. Лекин баттол ўғри телефон аппаратини ҳам кўтариб кетганди. У милиция пунктига қараб югурди.

◆ Ҳажвия ◆

Милиция ходимлари билан қайтиб келганда эса ўғрилар ўзи очиб берган тепа қаватдаги хонадонни ҳам «тозалаб» кетишганди.

Тожибой ўғриларга шерик сифатида гумон қилиниб, терговда жавоб бераётгандагина нима учун «қўшни» қизни аввал сира кўрмагани, эшикнинг қулфи иккита бўлиб, иккови баравар қулфланиб қолиши мумкин эмаслигига эътибор бермагани ҳақида ўйларди. Сув эса тепадаги хонадон эшиги тирқишидан қуйилган экан. Энди юқоридаги қўшнига ҳам сўроқ берадиган бўлди-да.

**Ориф ФАРМОН**

**Газетанинг навбатдаги сони 25 октябр, шанба куни чиқади.**


ЛИСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ · O.K.U.F. · F.T.U.U. · ОЛИЙ БАХТ

**Muassis:**
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay`ati:**
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AlIAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

**Bo`limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

**Manzilimiz:**
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

**Nashr ko`rsatkichi:**
133; 134

Navbatchi muharrir:
N. Rafiqov
Navbatchi:
A. Abdiyev
Musahhih:
N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar:
H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.30

Буюртма Г — 914

10671 nusxada bosildi

2 5 6